Куч — адолатда

2012 йил,
21 сентябрь,
жума
№ 37 (394)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 12 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746 — XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257 — II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9 — 10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **28-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ва айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради; амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги 924 — XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162 — II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1 — 2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1 — 2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **37-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5 — 6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда, № 7 — 8, 217-модда; 2001 йил, № 1 — 2, 11, 23-моддалар, № 9 — 10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1 — 2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** «Суд, прокурор» деган сўзлар «Прокурор» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **29-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради»;

3) **36-модданинг:**

биринчи қисми «ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномa қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **217-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт»;

5) **220-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади»;

6) **227-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«227-модда. Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш

Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим»;

7) **255 — 259-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«255-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари ва муддатлари

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш рад қилинган ёки у бекор қилинган тақдирда, айнан ўша айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга лавозимдан четлаштириш учун асос бўладиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Яратувчилик, бунёдкорлик ва ҳамиша эзгу мақсадларни кўзлаб яшаш халқимизга хос фазилатлардан. Истиқлол йилларида жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришга бўлган эътибор ана шу фазилатларнинг ёрқин намоён бўлишига кенг йўл очди. Бугун юртимизда бунёд этилаётган муҳташам бинолар барчанинг ҳайрату ҳавасини келтираётган бўлса, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз ўрнини топаётир.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон ҳақида сўз кетса, улкан имкониятлар мамлакати, деган таъриф ҳам доим такрорланади. Бу нафақат бизнинг табиий бойликларимиз, балки меҳнатсевар, қўли гул халқимиз туфайли, десак хато бўлмайди.

Дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тамойилларимиздан бири —

иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги амалда ўзининг тўла ифодасини топгани, бу борада давлатимиз раҳбари бошчилигида туб ислоҳотлар амалга оширилгани мамлакатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарор иқтисодий ўсишини таъминлади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғини нодавлат сектор таъминлаётгани ҳам бу йўлнинг нечоғлик тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилига айлангани юртимиз иқтисодиёти жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалаётгани, обод ва кўркам қиёфа касб этаётганида, халқимизнинг фаровон турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Юртимизнинг ушбу йўналишда эришаётган ютуқлари халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу пойтахтимизда бўлиб ўтган **«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти»** мавзусидаги халқаро конференция мисолида яққол намоён бўлди.

Кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, дунёнинг қирқ бешдан ортиқ мамлакатидан етакчи экспертлар ҳамда бизнесменлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодиёт барқарорлигида муҳим омил бўлаётгани алоҳида эътироф этилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munosabat

Одил судлов самарадорлиги янада ошади

Аввало шуни айтиш керакки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоялашга хизмат қилаётган мустақил суд ҳокимияти шакллантирилди.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, Конституциямизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб берилди.

Шунингдек, судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши, уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам конституциямизда мустаҳамлаб қўйилди.

Шу ўринда янги таҳрирда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги қонун суд тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Судьяларнинг иш сифатини ошириш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Судлар ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида жамиятнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Жамият фаровонлиги йўлида

бу борада қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилаётгани муҳим аҳамият касб этади

Айтиш керакки, Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 30–31 август кунлари бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун ҳам моҳият-эътибори билан айни шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ушбу янги қонун Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги **«Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»**ги қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилган. Янги қонун 2012 йилнинг 11 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

(Давоми учинчи бетда)

Ер умуммиллий бойлигимиз саналади, бинобарин, унга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, ерга оид қонун талабларига қатъий риоя этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Президентимиз таъкидлаганидек, ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда, айниқса, яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Ер — умуммиллий бойлигимиз

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

Айтиш керакки, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш Ер кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Суд баённомаси

уни юритиш тартиби ҳақида

Аввало шуни айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 22-моддасида баённома тузиш, имзолаш ва у бўйича изоҳлар бериш тартиби баён этилган. Шунингдек, ушбу моддада суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганида баённома тузиш мажбурияти котиб зиммасига юклатилиши қайд этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

256-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

257-модда. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

258-модда. Суд ажрими

Судья айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида ёки айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримида: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига қўйиладиган талаб кўрсатилади.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига ижро учун, прокурорга, айбланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун юборилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, лавозимидан четлаштирилган айбланувчи ишлаган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва айбланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

259-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримни ижро этиш

Суднинг айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт»;

8) **265 — 269-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«265-модда. Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатлари

Агар суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўрикдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Агар шахснинг гумон қилинувчи тариқасида бўлиши муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамом бўлгунига қадар тугаса, унинг руҳий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий психиатрия муассасасидан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш зарур.

Жабрланувчилар ва гувоҳлар тегишли суд экспертизасини ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштирилиши мумкин эмас, улар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлигини фош қилаётган ва улар берган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган хулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Айбланувчининг ишни судга қадар юритиш босқичида тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш суд томонидан прокурорнинг ушбу бобда белгиланган тартибда киритилган илтимосномасига биноан, судланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи тиббий муассасада бўлишининг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор томонидан киритилади.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тиббий муассасага жойлаштирилаётганда, агар бу муассаса қамоққа олинганларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолда мазкур эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши керак.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

266-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида таклиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

267-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ўзига нисбатан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш масаласи кўриб чиқилаётган шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати, қонуний вакиллар иштирокида кўриб чиқилади. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойда ёки тиббий муассаса жойлашган ерда, ушбу моддада назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормаларга ва талабларга риоя этилганлигини ҳисобга олади.

268-модда. Суд ажрими

Судья шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Суднинг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажримида: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг процессуал ҳолати; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор, зарур ҳолларда эса, шахсни мазкур муассасага кўчириш тўғрисидаги фармойиш кўрсатилади.

Судья айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақида ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса ҳимоячига, жабрланувчининг вакилига, гувоҳнинг адвокатига, қонуний вакилга юборилади.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ва қонуний вакил томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни қирқ саккиз соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест берилиши суд ажримининг ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришга ёхуд мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

269-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш

Стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси хулосасини олганидан сўнг прокурор, терговчи қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд экспертизаси натижаларига кўра шахс ақли норасо деб эътироф этилганда унинг тиббий муассасада бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала ушбу Кодекснинг 61-боби нормаларига мувофиқ ҳал этилади, жабрланувчи, гувоҳ ақли норасо деб эътироф этилган ёки шахснинг психиатрия ёрдами кўрсатиш талаб этиладиган бошқа турдаги руҳий касаллиги аниқланган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий асосларда ҳал этилади»;

9) **273-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганда аниқланган бўлса, унда суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади»;

10) **321-модданинг матнидаги** «ва суд» деган сўзлар «ўз ваколатлари доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **322-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги** «прокурор ёки суднинг» деган сўзлар «прокурорнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **328-модданинг 4** ва **5-бандлари** чиқариб ташлансин;

13) **330-модданинг биринчи хатбошисидаги** «терговчи, прокурор ёки суд» деган сўзлар «терговчи ёки прокурор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **331-модданинг:**

биринчи қисмидаги «суд эса ажрим» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини ушбу ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади»;

15) **333-модданинг биринчи қисмидаги** «суд эса ажрим», «ёки ажрим», «ёки суд» ва «ёхуд ажримнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **334-модданинг биринчи қисмидаги** «терговчи, прокурор ёки суд» деган сўзлар «терговчи ёки прокурор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **336-модданинг:**

биринчи хатбошисидаги «ёки ажрим» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-банди чиқариб ташлансин;

18) **337-модданинг:**

2-банди ўзбекча матни «ҳақлидир» деган сўз билан тўлдирилсин;

3-банди чиқариб ташлансин;

19) **374-модданинг:**

учинчи қисми 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) эҳтиёт чораларини, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги»;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

20) **382-модданинг учинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошисидаги «айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва» деган сўзлар «шунингдек» деган сўз билан алмаштирилсин;

21) **416** ва **417-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«416-модда. Судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар аниқланганда суднинг ҳаракатлари

Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда бутун иш қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозим.

417-модда. Жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суднинг ҳаракатлари

Агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Тахмин қилинаётган жиноят кўрилаётган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд бутун ишни қўшимча тергов юритиш учун юборади.

Агар суд тергови вақтида била туриб ёлғон кўрсатув берган гувоҳ, жабрланувчи ёки била туриб нотўғри хулоса берган эксперт ёхуд била туриб нотўғри таржима қилган таржимон томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд ҳукм чиқарганидан сўнг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади»;

22) **423-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги, ишни тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги, эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги, айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, рад қилишлар тўғрисидаги ажримларни, шунингдек хусусий ажримларни суд алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради»;

23) **439-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида ушбу қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди»;

24) **457-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми»;

25) **471-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 255 — 260-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор; қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283 — 289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор»;

26) **473-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ҳукмни эълон қилади» деган сўзлар «ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477 — I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1 — 2, 11-модда; 2004 йил, № 1 — 2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **19-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478 — I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5 — 6, 102-модда; 2001 йил, № 1 — 2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9 — 10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **152-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд хўжалик низосини кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади».

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 сентябрь
№ ЎРҚ—335

Huquqiy ma`rifat

Суд баённомаси

уни юритиш тартиби ҳақида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ ушбу муҳим процессуал ҳужжатнинг сифати бўйича асосий масъулият раислик қилувчининг зиммасида бўлади. Шунинг учун раислик қилувчи баённома юритиш бўйича суд мажлиси котибининг ҳаракатларини мунтазам назорат қилиши керак.

Баённома бевосита суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганида мажлисдан ташқарида суд ишлари юритилаётган тилда тузилади. Судда иш кўришнинг ошкоралиги ҳамда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилидан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар баённоманинг юритилиши ҳамда унга қўшиб қўйилаётган у ёки бу маълумотларни назорат қилиши мумкин. Бундан ташқари ишда иштирок этувчи шахслар иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни баённомага киритиш тўғрисида илтимосномалар тақдим этишга ҳақли. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Фуқаролик процессуал кодексида ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилиши назарда тутилмаган. Фақат Фуқаролик процессуал кодексининг 21-моддасидаги суд мажлиси баённомасида ишни кўриш ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим, деган меъёрдан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Миллий процессуал қонунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 426-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ, баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўлланганлиги қайд этилади. Бу борада ўрганилган хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигида ҳам суд мажлиси баённомаси тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 230-моддаси биринчи қисмида баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши, аудио-ёзув ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган. Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 271-моддаси тўртинчи қисмига кўра, суд ишларини юритиш иштирокчилари очиқ суд мажлисида ўзлари учун ажратилган жойдан суд муҳокамасининг боришини ёзма ёки магнит ёзувидан фойдаланган ҳолда қайд қилиб бориш ҳуқуқига эга. Украина Фуқаролик процессуал кодексида «Фуқаролик процессини қайд этиш (ёзиб олиш)» деб номланган 5-боб мавжуд бўлиб, унинг 197-моддасига кўра, суд ишни кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлиси тўлиқ ёзиб олинади. Суд мажлисини техник восита орқали ёзиб олиш суд мажлиси котиби ёки раислик қилувчининг фармойишига кўра, суд аппаратининг ходимига юклатилиши мумкин. Техник ёзиб олиш воситалари орқали олинган суд мажлисига доир маълумотлар (кассета, дискета ва бошқалар) суд мажлиси журналига (баённомасига) илова қилинади ва суд мажлиси якунланганидан сўнг иш материалларига қўшиб қўйилади. Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу маълумотлардан нусха олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, судда фуқаролик ишини кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлисининг ёзиб олиниши судьянинг ишни кўриш бўйича масъулиятини кучайтиради ва суд процессларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Суд мажлиси котибининг иш юкламасини ҳам бирмунча енгиллаштиради. Чунки суд мажлисининг техник воситалар ёки видео орқали ёзиб олиниши суд мажлисида бўлиб ўтган ҳодисаларни ўзида тўлиқ акс эттиради.

Айрим хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигида ҳатто «видео-баённома» атамаси қўлланилганини кўриш мумкин. Масалан, АҚШда оддий қўлёзма шаклда юритиладиган суд мажлиси баённомаси ўрнига бўғин ва сўзларни ёзадиган, махсус техника ёрдамида юритиладиган ва суд мажлисини тўлиқ қамраб оладиган стенограммалардан фойдаланилади. Шундай қилиб, суд мажлисининг бориши махсус диктофонлар орқали тўлалигича ёзиб олинади.

Маълумки, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, адвокат ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, бу ва юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида ҳам процесс иштирокчилари очиқ суд мажлисида аудио-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳақидаги меъёрни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу қоиданинг киритилиши судда ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ҳимоясини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар доктори

Munosabat

Одил судлов самарадорлиги янада ошади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалга оширилган мазкур чора-тадбирлар натижасида суд тизимининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаолияти самарадорлиги ортиб бормоқда. Буни фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ошаётгани, хусусан, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб қилаётган мурожаатлари сони ортиб бораётганида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилнинг 2 августда қабул қилинган **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармонда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланиши, судлар таркибида ахборотлаштириш бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Буларнинг ҳаммаси судьяларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжатда судьялик лавозимига биринчи марта тайиланганлар тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Олий суд ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ҳамда стажировкадан ўтишлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинганлиги ҳам эътиборга молик.

Бундан ташқари мазкур ҳужжатда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг оптималлаштирилиши ҳақида ҳам сўз юритилган. Бу эса, фуқароларнинг судга мурожаат қилишлари учун янада кенг имкониятлар яратади.

Мухтасар қилиб айтганда, судьялар меҳнати ва моддий таъминотига берилаётган бундай юксак эътибор ҳар бир судьяга катта масъулият юклайди. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда қонунийликка қатъий риоя этиш доимо фаолиятимиз мезони бўлиши зарур.

Озоджон ЗИЯВУДДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани судининг раиси

Qonun ko`magi

Эркин фаолият — тараққиёт гарови

Маълумки, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур йўналишдаги субъектлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан тараққиётга эришибгина қолмай, жаҳон иқтисодий тизимига интеграллашиб бормоқда.

Айтиш керакки, истиқлолнинг ўтган даврида мамлакатимизда хорижий сармоядорларнинг эркин фаолият юритишига доир зарур қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**, **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»**, **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»** ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани фикримизнинг далилидир.

Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган **«Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг ўтган даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб судларга жами 64 866 624 сўмлик 28 та даъво аризаси ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли идораларга тақдимнома, огоҳнома каби таъсир чоралари, таклифлар киритилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Қарши шаҳридаги «SERGORUS-UZ» Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси мониторинг қилинганда, қўшма корхона ва Нишон туманидаги «Нишон тола» масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган шартнома шартларига масъулияти чекланган жамият томонидан тўлиқ амал қилинмаётгани, чунончи, кўрсатилган хизматлар ҳақи тўлиқ тўлаб берилмаётгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан масъулияти чекланган жамият мутасаддилари номига 4 999 041 сўм қарзни зудлик билан тўлаб бериши юзасидан огоҳнома киритилди. Натижада қарздорлик бартараф этилди.

Бир сўз билан айтганда, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмдан оқилона ва ўринли фойдаланишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилганидан, давлатимиз томонидан бу соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

Низомиддин НОРМАМАТОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Yangi qonun mohiyati

Жамият фаровонлиги йўлида

бу борада қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилаётгани муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур янги қонун асосида Жиноят-ижроия ва Меҳнат кодекслари ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Жиноят иши юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонунларга аҳоли даромадлари, турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Аниқроқ айтганда, республикамиз ҳудудидаги бирор корхона, муассаса ва ташкилотда бир ойлик тўлиқ ишланган вақт меъёри ва бажарилган меҳнат вазифалари учун ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслиги белгиланди.

Шунингдек, **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга кўра, Солиқ кодексига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. *Биринчидан*, Солиқ кодексининг 208-моддаси 36-банд билан тўлдирилиб, унга кўра, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. Кодексга киритилган мазкур қўшимча орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконияти вужудга келди. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Иккинчидан, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Солиқ кодексининг 217-моддасидаги «аҳоли номидан оладиган» деган сўзлардан кейин *«шунингдек, идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган»* деган сўзлар киритилди. Бу эса ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот доираси кенгайтирилганлигидан далолат беради.



Учинчидан, Солиқ кодексининг 324-моддаси 2-бандига фуқароларга имтиёзлар беришни назарда тутувчи меъёрлар киритилди. Унга кўра, ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек, яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўлашдан озод қилинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида шарҳланган қонун орқали айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кенгроқ таъминланиши, аҳолининг турмуш даражаси ошиши, жамиятда тинчлик-осойишталик муҳитининг янада барқарорлашишидан далолат беради.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Ер — умуммиллий бойлигимиз

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарори амалиётда ер низолари билан боғлиқ даъволарни тўғри ҳал қилиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу ўринда маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судлари томонидан 2012 йилнинг биринчи ярмида ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан боғлиқ 1436 та фуқаролик иши кўриб тамомланган.

Масалан, даъвогар Денов тумани прокуратурасининг «Пирон» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар Муҳаббат Ибодуллаевага нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,18 га ер майдонини қайтариш ҳамда қурилган иморатни жавобгар ҳисобидан буздириш ҳақидаги даъво аризаси судда кўриб чиқилди. Аниқланишича, Денов тумани ҳокимининг 2009 йил 11 декабрдаги қарорига асосан, «Пирон» фермер хўжалигига 151,5 га ер майдони ажратиб берилган бўлиб, туман ҳокими ва фермер хўжалиги ўртасида ер участкасидан узоқ муддат фойдаланиш бўйича ижара шартномаси тузилган.

«Катта Қарши» маҳалласида яшовчи М.Ибодуллаева эса, «Пирон» фермер хўжалигининг 142-контурдаги 0,18 га ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, уй-жой қурган.

Ер кодексининг 91-моддасида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилиши ҳамда ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилиши қайд этилган. Суд даъво аризасини қаноатлантириб, «Пирон» фермер хўжалигига тегишли бўлган 0,18 га ер майдонида қурилган уй-жойни жавобгарнинг ҳисобидан мажбурий тарзда буздириш ва ер майдонини фермер хўжалиги ихтиёрига қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ерга оид қонунларга риоя этган ҳолда белгиланган мажбуриятларни адо этиш фуқаролик бурчимиздир. Аксинча, қонунга амал қилмаслик, масалан, ўзбошимчалик билан ўзгаларга тегишли ерни эгаллаб олиш ва ноқонуний равишда иморат қуриш жавобгарликни келтириб чиқаради.

Норқувват ЯНГИБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг раиси

Islohot va samara

Тараққиётимизнинг юксак эътирофи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг **«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти»** мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидланганидек, агар 2005 — 2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда ҳам кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб, макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланмоқда. 2012 йилнинг дастлабки олти ойи якунига кўра, аҳоли умумий даромадларининг 26,1 фоиз ўсгани бунинг бир далилидир.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг бугунгидек даражага етиши давлатимиз томонидан бозор иқтисодиётининг асослари, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайлидир. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича тўрт юздан зиёд қонун ҳужжатлари қаётга жорий этилгани ҳам бу борадаги ислоҳотларнинг кўлами ва аҳамиятини кўрсатиб турибди. Уларнинг ҳар бирида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси акс этганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар йили соҳа вакиллари муҳофазаси учун йигирмадан зиёдроқ қонун қабул қилинган. Муҳими, уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар уларнинг иқтисодиётимиздаги улушини тобора ошираётир. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йилда бу борадаги кўрсаткич 8,3 фоизни ташкил этгани бунинг исботидир. Шу ўринда қайд этиш жоизки, юртимизда 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.



«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Джанамитра Деван ўз нутқида Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ривожланиш ва унинг ўтган 21 йил давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган муваффақиятлари таҳсинга сазоворлигини алоҳида эътироф этди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон томонининг иқтисодий диверсификацияни барқарор тараққиёт асоси сифатида ҳаётга татбиқ этишга интилаётганининг амалий ифодасидир. Бу Ўзбекистоннинг энг ривожланган мамлакатлар каби даромад даражаси ўртача бўлган давлат мақомига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун асос бўла олади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси имкониятларини кенгайтириш, кичик ва хусусий корхоналар мавқеини ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, деб айтиш учун барча асослар бор.

Мазкур мажлисда Осиё Тараққиёт банки вице-президенти Шиао Джао ўз нутқида қайд этганидек, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига энди 21 йил тўлган бўлса-да, улкан ютуқлар ва тараққиётга эришди.

Ўзбекистон иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиб ва таркибий ислоҳотларни давом эттириб, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш ва мамлакат фаровонлигини муттасил яхшилаш борасида эришган улкан ютуқларини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани туфайлидир.

Иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун хорижий молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслар, замонавий технологияларни жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга доимий эътибор қаратилаётгани уларнинг юртимизга бўлган қизиқишини оширмоқда. Мамлакатимиз минтақаларидаги бой минерал-хом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар ҳам бунга кенг йўл очаётир.

Айни пайтда ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштирилди, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши изчил рағбатлантирилмоқда. Товарлар импорт-экспорти билан шуғулланувчи чет эл инвесторларига ўз даромадларидан эркин фойдаланишлари бўйича қонунчиликда имтиёзли тартиб жорий этилди. Натижада иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида хорижий сармоялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўтган 2011 йилда республика иқтисодиётининг реал секторига қарийб 2,9 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими яратилган. Булардан самарали фойдаланиб, мулкдор бўлиб юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи эса, тобора кенгайиб бораётгани ёруғ истиқболдан дарак.

Норгул АБДУРАИМОВА

Hikmat

Донолар дейдиларки

Яхшилик буюкликдан иборат эмас, аксинча, буюклик яхшиликдан иборат.

* * *

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

* * *

Доно киши ўзидан олдин ўтганлардан ибрат олади, кейин келганларга ибрат бўлади.

* * *

Ҳасад — юракнинг зангланиши, ўжарлик — мағлубият сабабчисидир.

* * *

Яхши ҳаракат бизга куч бериб, бошқаларга яхши кайфият улашади.

* * *

Эл-юртини севган кишилар унинг бахт-саодати, осойишталиги учун ҳар нафас майдонга тушишга шай.

* * *

Нодонга насиҳат қилиш шўрхок ерга уруғ сочиш билан баробардир.

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик ҳаловат бахш этади

қинғирлик эса, юзшувутлик келтиради

Ота-боболаримиз нафсни бежиз тубсиз ўпқонга менгзашмаган. Албатта, ҳаётда пешона тери билан топилган ризқ-насибага қаноат қиладиган, ҳалолликни умр мезони деб биладиган кишилар ҳеч қачон нафс қутқусига учиб, эгри йўлга қадам босмайди.

Афсуски, ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар азбаройи нафс қутқусида нопок йўлга қадам босишдан тап тортишмайди. Бундай кимсалар доимо меҳнат қилмасдан, пешона тери тўкмасдан енгил йўл билан бойлик орттириш пайида бўлишади. Лекин шуни унутмаслик лозимки, бундай қилмишга қўл урганлар бугун бўлмаса, эртага, албатта, адолатли жазога рўбарў бўлади. Чунки амалдаги қонунларимизда ҳар бир қилмиш учун тегишли жазо белгиланган.

Қуйида баён этиладиган воқеа ҳам бу фикрни исботлайди.

Айтиш керакки, ҳаётда ўзгалар манфаатига зиён етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг турли кўринишлари мавжуд. Шуларнинг ичида пул ва қимматли қоғозларни қалбакилаштириш ҳамда уларни ноқонуний равишда муомалага чиқариш жинояти ўзининг мураккаблиги ва хавфлилиги билан ажралиб туради.

Бундай жиноий қилмишларнинг жамият учун хавфли томони шундаки, қалбаки пулларни тайёрлаш ва уларни муомалага чиқариш товар билан пул орасидаги қатъий режалаштирилган мувозанатни бузади. Шунингдек, бундай жиноятлар давлат ва фуқаролар мулкига ҳам катта зарар етказади.

Қўшкўпирлик Жавлон Бакиев ҳам нафс қутқусига учиб ана шундай жиноий қилмишга қўл урди. У Урганч шаҳридаги «Садоқат» фотостудиясига суратқаш бўлиб ишга кирса-да, ҳалол йўл билан меҳнат қилишга бўйни ёр бермади. Кунларнинг бирида у ҳамтовоқлари Шоҳруҳ Оллаберганов, Мансур Каримов, Рўзимбой Юсупов, Нигора Қўчқорова, Улуғбек Шарипов ва Расул Ёқубов билан уюшган жиноий гуруҳ тузади. Ўзаро тил бириктиргган уюшган жиноий гуруҳ аъзолари режа асосида жиноятга қўл уришади. Бунинг учун Жавлон ишлайдиган суратхонадаги техника анжомлари уларга қўл келади. Яъни жиноий шериклар шаҳар четидаги хонадонлардан бирида йиғилишади ва суратхонадан яширин тарзда олиб келинган компьютер ва ускуналар ёрдамида 10 та 100 АҚШ доллари купюрасидаги сохта пулни тайёрлашади. Бу пулларни ўтказиш эса, Рўзимбой Юсуповга топширилади. Орадан бир неча кун ўтиб, гуруҳ аъзолари Ш.Оллаберганов вақтинча яшаб келаётган уйида навбатдаги «операция»ни бажариш учун йиғилишди. Бу сафар минг сўмлик купюрадаги Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сохталаштирилади.

Бу ҳаётда ўз хатосини англаган одам қусурларнинг давом этиши ёки болалаб кетишига ортиқ изн бермайди. Нопок қилмишнинг охири вой эканлигини англаса-да, фурсат борида нафсини тия олмаган субутсиз кимсалар эса, барибир билганларидан қолишмайди. Мазкур жиноий гуруҳ ҳам янгидан-янги кирдикорларга қўл уришдан ўзларини тийишмади. Шу тариқа 2.820.000 минг сўм миқдоридаги Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги ва 9.400 АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютасини қалбакилаштиришди.

Ҳалол меҳнат эвазига келган ризқ-насиба танага мадор, билакка куч, юракка ором бағишлайди. Ҳаром луқма эса, бир кунмас, бир кун барибир нафс эгасини шармисор қилади. Буни жиноий тўда мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Юқорида баён этилган жиноий гуруҳнинг қора қилмишлари ҳам кўп ўтмай ошкор бўлди. Қалбаки пуллар, чет эл валюталари ва қинғирликнинг бошқа излари тафтишнинг дастлабки палласидаёқ юзага қалқиб чиқди. Жиноий гуруҳ аъзолари Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, қонуний жазога тортилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бу ҳаётда ҳалол меҳнатгина кишига ҳаловат, хотиржамлик бахш этади, рўзғорига барака келтиради. Аксинча, нопок йўл билан мўмай даромад топиш учун турли қинғир кўчаларга бош суқадиган кимсалар охир-оқибат афсус-надоматда қолишади. Юқорида баён этилган воқеа ҳам бунинг бир исботидир.

Дилмурод ОТАМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Хива тумани судининг судьяси

Табиатда шундай бир олам борки, у ўзига хослиги, сир-синоатлари билан ажралиб туради. Бу ҳайвонот олами бўлиб, унинг биз билмаган қирралари жуда кўп. Шу боис олимлар бу соҳани асрлар давомида татқиқ этиб келади ва унинг янгидан-янги жиҳатларини кашф этишмоқда.

Африка саванналарида яшовчи қора кобралар ҳам шу соҳа татқиқотчиларининг диққат-эътиборини ўзига доимо жалб қилиб келган.

Sirli dunyo

Биз билган ва билмаган дунё

МЎЪЖИЗАКОР ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Кобралар ўзига нисбатан бирор хавф-хатарни сезганда тўппа-тўғри рақибининг кўзига қарата заҳар пуркаши боис «снайпер» номини олган. У баъзан ҳақиқий ўқотар каби қоматини тошдек қотириб, адл тутиши ва бехато нишонга олиши билан мерган деган номга ҳам муносиб.

Бундан ҳам ҳайратланарли томони шундаки, у ғазабга тўлганда, ўзининг ақл бовар қилмас даражадаги тезкор ҳужумини кетма-кет 30 мартагача амалга оширади ва бир пайтнинг ўзида бир неча рақибга қарши курашиши мумкин. Қора кобранинг заҳар пуркаш ҳаракати шундай аниқ математик ҳисоб билан амалга ошириладики, натижада оғу оптик аниқликда нишонга тегади. Тизиллаб шитоб билан отилувчи заҳарли ирмоқчани ҳосил қилишда унинг оғиз бўшлиғидаги махсус мускуллар ва тишлари ёрдам беради. Бу «отишма»да кобра ўз рақибини ҳатто бир неча метр узоқдан ҳам бехато нишонга олади.

Қорабўйин кобранинг заҳри одамнинг кўзига тегса, шу захотиёқ кучли оғриқ қўзғатади, сўнг эса кўз шоҳ пардасини ишдан чиқариб, кўр қилиб қўяди. Табиийки, бундай ҳужумдан сўнг ҳар қандай рақиб дарҳол ортга чекиниб, қочишга тушади.

Ҳа, бир қарашда, қорабўйин кобра ва унга ўхшаш ўта заҳарли илонларни инсоннинг энг хавфли душманлари сафига қўшиш мумкин.

Умуман айтганда, бугунги кунда ер юзида илонларнинг 3000 га яқин тури мавжудлиги аниқланган. Уларнинг борйўғи 15 фоизигина заҳарли ҳисобланади. Ана шу заҳарли илонларнинг ҳам аксарияти эндиликда жуда камдан-кам учрайди. Жанубий Осиё, Жанубий Америка, Африка ва Австралия мамлакатларидаги заҳарли илонлар чаққанда ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилса, ортиқча нохушлик юзага келмайди.

Аммо шунга қарамай, қаерда, қандай ҳолатда бўлмасин эркинликда юрган ҳар қандай илонга кўзи тушган одам дарҳол уни ўлдиришга ҳаракат қилади. Бунга биринчи сабаб илонларнинг совуқ кўриниши кишини қўрқувга солса, иккинчидан эса, тиббиётда илон заҳри ўта шифобахш ҳисоблангани боис бу жонзотлар овчилар томонидан тинимсиз овланади.

Айтиш керакки, илон заҳри нафақат юрак, бронхиал астма ва айрим саратон касалликларини даволашда, шунингдек, кўплаб хасталикларга қарши дори-дармонлар тайёрлашда фармацевтика саноатида энг зарур воситалардан бири ҳисобланади.

Кўпчилик уйида ёки дам олишга чиққанда илон ҳужум қилмаслиги учун қандай эҳтиёт чоралар кўриш лозимлиги ҳақида ўйлашади. Аммо шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, на заҳарли ва на заҳарсиз илонлар инсонга ҳеч қачон биринчи бўлиб ташланмайди. Бу фан томонидан исботлаган ҳақиқатдир. Илон табиий тарзда инсондан ўзини ҳимоя қилиш учунгина қалтис ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун турли ирим-сирим ва ваҳимали уйдирмаларга ишонмаслик керак. Агар йўлда кетаётиб, кутилмаганда қаршингиздан илон чиқиб қолса, унинг йўлидан нари қочишнинг ўзи кифоя. У ҳеч қачон изингиздан тушмайди. Қолаверса, илон сакрай олмайди, ғилдиракдай айланиб югурмайди ва ҳайратомуз тарзда гипноз қилиш хусусиятига ҳам эга эмас. Буларнинг барчаси шунчаки ўйлаб топилган мишмишлар.

Шу ўринда яна кобралар мавзусига қайтадиган бўлсак, уларнинг яна бир камёб тури Ўрта Осиё кобраси бўлиб, у Туркманистон, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида учрайди. Айни пайтда биргина Ўрта Осиёнинг ўзида 300-350 мингдан ортиқ кобралар бор.

Ўрта Осиё кобраси, образли қилиб айтганда, илонлар ичра энг олийжаноби саналади. Чунки кобранинг бу тури кимгадир дуч келиб қолса, бошқа заҳарли илонлар каби дарҳол рақибига ташланмайди, балки виқор билан гавдасининг олд қисмини тик тутганча лўнжини шишириб, сиз томонга им қоқиб, вишиллаб қўйиши мумкин. Бу билан у гўёки «Менга яқинлашма!» дейди. Ана шунда қаршисидаги инсон таҳдидли хатти-ҳаракатдан тийилса, кобра кўтарилган тана қисмини ергача тушириб, секин узоқлашади. Ўрта Осиё кобраси Қизил китобга киритилган бўлиб, уларнинг 6 туригина маълум.

Ғаройиб илон турларидан яна бири қирол кобраларидир. Бу илон ҳақида бутун бошли қисса ёзса ҳам арзийди. Уларнинг қирол кобра деб аталишининг боиси, у бошқа илонлардан фарқли тарзда барча илон турлари билан озиқланишидадир. У нафақат заҳарли илонлар, ҳатто кобраларни ҳам паққос туширади. Бу илонларнинг баъзилари 5-6 метр узунликка эгадир. Кобранинг бу тури Жанубий-Шарқий Осиёда кенг тарқалган. Битта кобра ўртача 30 тагача тухум қўяди. Тухумларини аввал барг ва қуриган хашаклар билан қиздириш учун ёпиб қўйиб, устида ўзи ётади. Айнан шу даврда бу кобралар ниҳоятда хавфли бўладилар. Улар кечаю кундуз ўз инини тарк этмайди. Заррача хавф сезилди дегунча улар танасининг олд қисмини нақ ярим метрга тик кўтариб, лунжини шиширганча нигоҳлари билан атрофни синчковлик билан кузатиб, тилини тинимсиз ликиллатиб туради. Эндигина тухумни очиб чиққан кобрачалар эса, ёркин йўл-йўл рангда ва бор-йўғи 50 см узунликда бўлса-да, аммо ёшлигиданоқ заҳарлилик хусусиятига эга бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, мўъжизакор ҳайвонот оламининг бир бўлаги бўлган илонлар ана шундай ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчи баъзан улар одамларга зиён етказса-да, айрим фойдали жиҳатлари йўқ эмас. Нимаики бўлмасин, табиатни, ундаги жонзотларни авайлаш, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-916. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7754.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰